

## Аёл мўътабар зот

21:32 / 21.04.2017 6543

“Биз аёл деганда, аввало, онани тушунамиз. Ёш қизларимиз ва сингилларимиз ҳам эртами-кеч она бўлишади. “Жаннат оналар оёғи остидадир”, деган ҳадисни тўғри талқин қилишда адашмайлик. Бу ҳадис ўғил ёки қиз бўлсин, онасини рози қилмаган одам жаннатга кирмайди, деган маънони англатади. Мана бу ҳадис эса бу ҳикматни тўлдирди: “Аввало, онанга, яна онанга ва яна онанга, сўнг отанга яхшилик қил”.

Юртбошимизнинг ушбу гапларидан келиб чиқиб, бугун ҳар биримиз ўз масъулиятимизни билишимиз керак. Аёлнинг нақадар мўътабар инсонлигини халқимизга, айниқса, ёшларимизга тушунтиришимиз керак. Бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, шифокорлар, ўқитувчилар, ёзувчилар, шоирлар ва бошқа кўплаб зиёлилар аёлнинг мартабасини, қадрини ёшларимиз онгига сингдириб боришлари керак. Бу борада масжид имом-хатибларининг масъулияти янада каттароқ.

Юртимизда турли йилларга турлича ном бериш ўзига хос анъанага айланди. “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Соғлом бола йили”, “Оналар ва болалар йили” кабилар шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси аёлларга, ёш авлод саломатлигига давлатимиз томонидан нечоғлик аҳамият берилаётганини кўрсатади. Шу билан бирга бу нарса динимизда аёлларга, фарзанд тарбиясига берилган катта эътиборга ҳамоҳангдир.

Динимизда аёлларнинг ўрни беқиёсдир. Ислом дини келгунига қадар жоҳилият даврида арабларда аёл киши инсон ўрнида кўрилмасди. Ёш қизалоқлар тириклайин кўмиларди. Қиз фарзанд кўрган ота жамият орасида бошини кўтариб юролмасди. Агар уларга “Қиз фарзанд кўрдингиз” деб хабар берилса, уятдан юзлари қорайиб кетарди. Аёллар у пайтларда мерос борасида ҳам эътиборга олинмасди. Аксинча, ўзи бошқаларга мерос сифатида бериларди. Қайси бир аёлнинг эри вафот этса, мазкур эрнинг акаси ёки укаси ўша аёлни акасидан мерос сифатида оларди. Ислом дини эса, аёлларнинг ҳуқуқларини тўлиқ кафолатлади. Уларни эркаклар каби мукамал ва эҳтиромга сазовор инсон деб эълон қилди.

Авалло, ислом “Жаннат оналар оёғи остидадир” деган буюк ҳақиқатни эълон қилди. Ислом аёлга барча жабҳаларда, жумладан, мерос масаласида ҳам эътибор кўрсатди. Энди аёл хотин сифатида, она сифатида, қиз сифатида мерос оладиган бўлди. Аёл киши бутун умри давомида эркак ҳимоясида бўлиши эълон қилинди. Қизлик пайтида отаси ва ака-укаларининг ҳимояси ва қарамоғида, турмушга чиққач, эрининг ҳимояси ва қарамоғида бўладиган бўлди. Она бўлса, ўғиллари томонидан, сингил бўлса, ака-укалари томонидан, буви бўлса, набиралари томонидан ҳимоя, нафақа ва эътибор ҳуқуқига эга бўлди.

Ислом аёлларга илм олиш, дам олиш, шахсий мулкка эга бўлиш, меҳнат қилиш ҳуқуқини берди. Қайтариб айтамыз, меҳнат қилиш ҳуқуқини берди, мажбуриятини эмас! Агар аёл ишлашни хоҳласа, шариат одобларига мос кийиниб, меҳнат қилишга ҳақли. Аммо барибир аёлни боқиш, уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминлаш эрининг зиммасида мажбурият бўлиб қолаверади. Ислом дини эркакларга оиласини боқишни мажбурият қилиб белгилаган бўлса, аёлларга уй ишларини, асосан, фарзандларни дунёга келтириб, тарбия қилиш масъулиятини юклади. Ислом дини аёлларга оғир ишларни таклиф қилмади. Барча оғир ишларни эркакларга юклаб, аёлларга эса, уларнинг табиатига, фитратига мос ишларни юклади.

Юртимизда 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинганида ҳам катта маъно бор. Келажагимиз пойдевори бўлган ёш авлодни соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ. Аёл соғлом бўлса, боласи ҳам соғлом бўлади. Шунинг учун фарзандининг соғлом ва ақлли бўлишини истаган ҳар бир ота биринчи галда аёлига эътиборни кучайтириши, унинг саломатлиги ва илм-маърифатли бўлиши учун барча имкониятларни яратиб бериши даркор.

Нух алайҳиссаломнинг ўғиллари тўфондан қутулиб қоламан деб оталарига қулоқ солмади ва тўфон қаърига ғарқ бўлди. Отаси пайғамбар бўлса ҳам ўғил ноқобил бўлди. Чунки, унинг онаси, яъни Нух алайҳиссаломнинг аёли эрига итоатсиз, унинг динига кирмаган аёл эди. Фиръавн худоликни даъво қилиб, ҳаддидан ошган кимса эди. Унинг аёли Осиё эса, Аллоҳга иймон келтирган, итоатли, фозила аёл эди. Шунинг учун мазкура аёл Мусо алайҳиссаломни тарбия қилди. Демак, она яхши бўлса, фарзанднинг ҳам яхши бўлиш эҳтимоли ошар экан. Агар она саркаш бўлса, фарзанднинг ҳам ноқобил бўлиш эҳтимоли ошар экан.

Аёлини ишлатиб қўйиб, ўзи уйда ўтирган эркаклар кўзларини очишлари керак. Ўз вазифаларини бажариш ўрнига бемалол аёлини кўчага чиқариб,

ишлатиб қўяётганлар, мардикорчиликка юбораётганлар қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида қандай жавоб беришларини ўйласинлар.

Юртимизда аёлларимизга давлат даражасида эътибор берилаётган экан, соғлом авлодни етиштириш умидида, динимиз кўрсатмасига амал қилган ҳолда аёлларга эътибор ва эҳтиромни кучайтирайлик. Онамиз, опасингилларимиз, қизларимиз ва жуфти ҳалолимиздан меҳримизни, эътиборимизни дариғ тутмайлик.

***Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади***